

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
VAZIRLAR MAHKAMASINING  
QARORI



ПОСТАНОВЛЕНИЕ  
КАБИНЕТА МИНИСТРОВ  
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

«1» июль 2019 у.

№ 546

Toshkent sh.

**Норуда фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қаъри участкаларидан  
фойдаланиш хукуқини бериш жараёнини янада такомиллаштириш  
чора-тадбирлари тўғрисида**

Норуда фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қаъри участкаларидан фойдаланиш хукуқига лицензиялар бериш жараёнида шаффофликни таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласди:

1. Қуйидагилар:

а) Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Норуда фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қаъри участкаларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2018 йил 26 декабрдаги ПҚ-4078-сон қарорига мувофиқ:

2019 йил 1 июлдан Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан аниқланган норуда фойдали қазилмалар конлари;

2020 йил 1 январдан барча норуда фойдали қазилмаларни ўз ичига олган барча ер қаъри участкалари бўйича фойдаланиш хукуқи учун лицензиялар Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси томонидан “E-IJRO AUCTION” электрон савдо майдончасидаги электрон аукцион якунлари асосида 20 кундан ошмаган муддатда берилиши;

б) Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Сув обьектларини муҳофаза қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 25 сентябрдаги ПҚ-3286-сон қарорига мувофиқ дарёлар ўзанларида норуда фойдали қазилмаларни қазиб олиш тасдиқланган захиралар мавжудлиги ва сув режимига салбий таъсирга йўл қўймаслик шарти билан норуда фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қаъри участкаларидан фойдаланиш хукуқини берадиган лицензияга қатъий равишда амалга оширилиши белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Норуда фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қаъри участкаларидан фойдаланиш хукуқини олиш учун “E-IJRO AUCTION” электрон савдо майдончасида электрон аукционни ўтказиш ҳамда ушбу участкалардан фойдаланиш хукуқига лицензиялар бериш тартиби тўғрисидаги Низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Норуда фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳукуқига лицензиялар бериш тартибини такомиллаштириш тўғрисида” 2018 йил 12 июндаги 443-сон қарори 2020 йил 1 январдан ўз кучини йўқотган деб хисоблансин.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар кўмитаси раиси Б.Ф. Исламов зиммасига ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг Ёқилғи-энергетика соҳаси ва саноатнинг базавий тармоқларини ривожлантириш масалалари котибиятига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг  
2019 йил “I” июлдаги 546 - сонли қарорига  
илова

**Норуда фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қаъри участкаларидан  
фойдаланиш хуқуқини олиш учун “E-IJRO AUKSION” электрон савдо  
майдончасида электрон аукционни ўтказиш ҳамда ушбу участкалардан  
фойдаланиш хуқуқига лицензиялар бериш тартиби түғрисида  
НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом норуда фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қаъри участкаларидан фойдаланиш хуқуқини олиш учун “E-IJRO AUKSION” электрон савдо майдончасида электрон аукционни ўтказиш ҳамда ушбу участкалардан фойдаланиш хуқуқига лицензиялар бериш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалар кўлланилади:

**норуда фойдали қазилмалар** – саноатда ва қурилишда табиий равишда ёки хомашё сифатида ишлатиладиган металл бўлмаган фойдали қазилмалар;

**норуда фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қаъри участкалари** – таркибида норуда фойдали қазилмалар мавжуд бўлган ва аниқ геометрланган чегараларга эга ер қаъри майдони;

**“E-IJRO AUKSION” ягона электрон савдо майдончаси** (кейинги ўринларда савдо майдончаси деб аталади) – электрон онлайн-аукционларни ташкил этиш ва ўтказиш учун зарур бўлган ахборотни киритиш, сақлаш ва қайта ишлаш, шунингдек, манфаатдор шахсларнинг аукционлар жараёнларидан оператор веб-портали оркали бевосита фойдаланиш имкониятини таъминлайдиган ахборот тизими;

**оператор** – Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги тасарруфидаги “Электрон онлайн-аукционларни ташкил этиш маркази” давлат унитар корхонаси;

**электрон онлайн-аукцион** (кейинги ўринларда аукцион деб аталади) – салоҳиятли харидорларга тенг имконият яратган ҳолда Интернет тармоғидаги “E-IJRO AUKSION” ягона электрон савдо майдончасида норуда фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қаъри участкалари сотиладиган аукцион шаклидаги электрон савдо усули;

**электрон буюртма** (кейинги ўринларда буюртма деб аталади) – норуда фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қаъри участкаларидан фойдаланиш хуқуқига лицензияларни аукционда реализация қилиш бўйича аукцион ташкил қилиш ҳақида Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси (кейинги ўринларда Давлат геология қўмитаси деб аталади) томонидан бериладиган электрон буюртма;

**аукцион иштирокчиси** – аукционда иштирок этиш учун электрон ариза берган ва унда иштирок этишга кўйилган юридик шахс;

**аукцион рақами** – савдода иштирок этиш учун электрон ариза мавжуд бўлганда аукционда иштирок этиш учун иштирокчига бериладиган ракам;

**аукцион обьекти** – аукцион натижалари асосида реализация қилишга кўйиладиган ер қаъри участкаларидан фойдаланиш хукуки;

**кафолатланган закалат** (кейинги ўринларда закалат деб юритилади) – электрон савдоларда иштирок этиш учун талабгорлар томонидан тўланадиган, бошлангич нархнинг 5 фоизи кийматидаги пул микдори;

**лот** – аукционда реализация қилинадиган, норуда фойдали қазилмаларни ўз ичига олган муайян ер қаъри участкасидан фойдаланиш хукуки;

**“E-IJRO AUCTION” ягона электрон савдо майдончасидаги техник узилиш** – иштирокчилардан бирiga аукционда иштирок этишга имкон бермайдиган ёки оператор ходимига аукцион ўтказилишига хизмат кўрсатишнинг техник имкониятини таъминламайдиган электрон савдо майдончасидаги техник носозликлар.

3. Норуда фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қаъри участкаларидан фойдаланиш хукуки лицензия асосида:

геологик ўрганиш;

қазиб олиш;

техноген минерал ҳосилалардан фойдаланиш учун берилади.

4. Лицензиялар мазкур Низомнинг З-бандида белгиланган ер ости бойликларидан фойдаланишнинг ҳар бир тури учун алоҳида-алоҳида берилади.

5. Лицензиялар Давлат геология кўмитаси томонидан берилади.

## **2-боб. Норуда фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қаъри участкаларидан фойдаланиш хукуки учун лицензиялар**

### **1-§. Геологик ўрганиш учун ер қаъри участкаларидан фойдаланиш хукукини берувчи лицензиялар**

6. Геологик ўрганиш учун ер қаъри участкаларидан фойдаланиш хукукини берувчи лицензия тадбиркорлик таваккалчилиги асосида (ер қаъридан фойдаланувчиларнинг ўз маблағлари ҳисобига) норуда фойдали қазилмалар конларини излаш, баҳолаш ва кидиришга оид хукуқни тасдиқлади.

Минерал-хомашё базасини ривожлантириш ва қайта тўлдириш давлат дастурлари доирасида Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ва ташкилотларнинг ўз маблағлари ҳисобига геологик ўрганиш учун ер қаъри участкаларидан фойдаланиш хукуки юзага келишига белгиланган тартибда тасдиқланган ер қаърини геологик ўрганишга доир лойиҳа-смета хужжатлари асос ҳисобланади.

Норуда фойдали қазилмаларни геологик ўрганиш босқичида лойиҳа-смета хужжатларида асосланган ҳамда норуда фойдали қазилмалар захираларини ҳисоблаб чиқиши ва уларнинг сифатини баҳолаш учун етарли ҳажмларда тажриба (синов) ва тажриба-саноат йўсунинда қазиб олиш ишларини ўтказиш учун ер қаъри участкаларидан фойдаланиш хукуқига оид лицензия олиш талаб қилинмайди.

## **2-§. Норуда фойдали қазилмаларни қазиб олиш учун ер қаъри участкаларидан фойдаланиш хукуқига оид лицензия**

7. Норуда фойдали қазилмаларни қазиб олиш учун ер қаъри участкаларидан фойдаланиш хукуқига оид лицензия, унинг эгасига конни қазиб олиш, қазиб олинаётган минерал-хомашёни қайта ишлаш, шу жумладан агар лицензия шартларида бошқа ҳолатлар назарда тутылмаган бўлса, қазиб олиш жараёнида олинган минерал ҳосилалардан фойдаланиш (қайта ишлаш) хукуқини беради.

Норуда фойдали қазилмаларни қазиб олиш учун ер қаъри участкасидан фойдаланиш хукуқига оид лицензия норуда фойдали қазилмаларнинг захиралари қонун хужжатларида белгиланган тартибда тасдиқланган кон бўйича уларни қазиб олиш учун берилади.

8. Ер қаъри участкаларидан фойдаланиш хукуқига оид лицензияни коннинг алоҳида участкасидаги норуда фойдали қазилмаларни қазиб олиш учун берилишига рухсат этилади, агар ушбу ҳолат конни қазиб олишнинг техник-иктисодий кўрсаткичларини ёмонлаштирумаса ва коннинг қолган қисмлари (участкалари)ни ўзлаштиришга тўсқинлик қилмаса.

9. Битта конни бир нечта ер қаъридан фойдаланувчилар томонидан қазиб олиш учун ер қаъри участкаларидан фойдаланиш хукуқига оид лицензиялар берилишига йўл қўйилади. Бунда конни қазиб олиш Давлат геология қўмитаси хузуридаги Кон-геология фаолиятини назорат қилиш инспекцияси ва Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-мухит муҳофаза қилиш давлат қўмитаси (кейинги ўринларда Давлат экология қўмитаси деб аталади) билан келишилган, ер қаъридан оқилона фойдаланишни ва атроф муҳитни муҳофаза қилинишини таъминловчи қазиб олиш тизимида амалга оширилиши керак.

10. Ер қаъри участкаларидан фойдаланиш хукуки учун бир неча лицензияларнинг бир вақтнинг ўзида битта ер қаъридан фойдаланувчига берилишига йўл қўйилади, шу жумладан ўзаро яқин жойлашган норуда фойдали қазилмалар конларини қазиб олиш учун, агар бажарилган техник-иктисодий ҳисоб-китобларга кўра уларни факат биргаликда бир ер қаъридан фойдаланувчи томонидан қазиб олиш рентабелли бўлса.

11. Бир вақтнинг ўзида норуда фойдали қазилмаларнинг турли конларини, айрим турдаги қурилиш ва бошқа материаллар ва буюмларни ишлаб чиқариш учун зарур компонент сифатидаги минерал-хомашё қазиб олишга оид ер қаъри участкаларидан фойдаланиш хукуки учун бир неча лицензиялар битта ер қаъридан фойдаланувчига берилиши мумкин.

12. Норуда фойдали қазилмаларни қазиб олиш учун ер қаъри участкаларидан фойдаланиш хукуқини берувчи лицензия эгаси, унга берилган кон ажратмаси доирасида қўшимча лицензиясиз ер қаърини геологик ўрганишга доир ишларни, уларни Давлат геология қўмитасининг Давлат геология фондида ҳисобига қўйиш шарти билан олиб бориш хукуқига эга.

### **3-§. Техноген минерал ҳосилалардан фойдаланиш учун ер қаъри участкаларидан фойдаланиш хукуқига оид лицензия**

13. Техноген минерал ҳосилалардан фойдаланиш учун ер қаъри участкаларидан фойдаланиш хукуқига оид лицензия, ўз эгасининг кон қазиб чиқариш ва қайта ишлаш корхоналарининг таркибида норуда фойдали компонентлари мавжуд чиқиндиларини қайта ишлаш ишларини амалга ошириш хукуқини тасдиқлайди.

Норуда фойдали қазилмаларни қазиб олиш ва минерал-хомашёни қайта ишлаш жараённида олинган техноген минерал ҳосилаларга эгалик хукуқи норуда фойдали қазилмаларни қазиб олиш учун ер қаъри участкасидан фойдаланиш хукуқига оид лицензияга мувофиқ лицензия эгасида ер қаъри участкасидан фойдаланиш муддати мобайнида саклаб қолинади. Бундай ҳолда техноген минерал ҳосилалардан фойдаланиш (қайта ишлаш)га лицензия олиш талаб қилинмайди.

14. Техноген минерал ҳосилалардан фойдаланишга оид ер қаъри участкаларидан фойдаланиш хукуқи учун лицензия, ер қаъридан фойдаланувчи балансида ҳисобда турмайдиган ёки техноген минерал ҳосилалар сотилган ёки белгиланган тартибда бошқа ер қаъридан фойдаланувчига топширилган ҳолда, кон қазиб чиқариш ва қайта ишлаш корхоналарининг чиқиндиларини қайта ишлаш учун берилади.

### **3-боб. Норуда фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қаъри участкаларидан фойдаланиш шартлари**

15. Ер қаъридан фойдаланиш лицензияда назарда тутилган шартларга мувофиқ амалга оширилади.

16. Норуда фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қаъри участкаларидан фойдаланишнинг асосий шартларига ер қаъридан фойдаланиш турларидан келиб чиқсан ҳолда Ўзбекистон Республикасининг “Ер ости бойликлари тўғрисида”ги Конуни билан белгиланган шартлар киради.

Норуда фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қаъри участкаларидан фойдаланишнинг намунавий шартлари Давлат геология қўмитаси ва уни ҳудудий бўлинмаларининг расмий веб-сайтларида жойлаштириллади, шунингдек зарурат бўлганда белгиланган тартибда оммавий ахборот воситаларида ҳам эълон қилиниши мумкин.

17. Норуда фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қаъри участкаларидан фойдаланиш шартларида геологик ўрганиш учун қўйидагилар назарда тутилади:

ер қаърини геологик ўрганиш бўйича йириклиштирилган техник-иктисодий ҳисоб-китобларни ишлаб чиқиш ва Давлат геология қўмитасига топшириш муддати;

атроф муҳитга таъсири тўғрисида ариза лойиҳасига Давлат экология экспертизаси томонидан бериладиган ижобий хulosани Давлат геология қўмитасига топшириш муддати;

кон иншоотлари ва қудуқларни аҳоли ҳаёти ва саломатлиги, атроф муҳит хавфсизлигини таъминлайдиган ҳолатга келтириш (рекультивация қилиш), шунингдек фойдаланишга яроқсиз кон иншоотлари ва қудуқларни тутатиш тартиби;

норуда фойдали қазилмалар захираларини тасдиқлаш учун материалларни Давлат геология құмитаси хузуридаги фойдали қазилмалар захиралари бүйича Давлат комиссиясига топшириш тартиби ва муддатлари;

ер қаъри участкаларидан фойдаланиш хукуқининг чекланиши, тұхтатиб күйилиши ёки муддатидан олдин бекор қилиниши мүмкін бўлган шартшароитлар.

18. Ер қаъри участкаларидан норуда фойдали қазилмаларни қазиб олиш шартларида қуйидагилар назарда тутилади:

фойдали қазилмаларни қазиб олиш бўйича техник-иктисодий асосларни ишлаб чиқиши ва Давлат геология құмитасига топшириш муддати;

атроф муҳитга таъсири тұғрисида ариза лойиҳасига Давлат экология экспертизаси томонидан бериладиган ижобий хулосани Давлат геология құмитасига топшириш муддати;

техник лойиҳалар ва кон ишларини ривожлантириш режаларини, захираларни қазиб олиш ва кон майдони (участкалар)да қулайликлар яратиш лойиҳаларини тузиш тартиби ва муддатлари;

қазиб олинган фойдали қазилмага эгалик қилиш хукуки;

ер қаъридан фойдаланганлик учун тұловларни тұлаш шартлари;

зарур малакали мутахассисларга зга бўлиш;

ер қаъридан фойдаланувчининг ижтимоий мажбуриятлари (маҳаллий аҳоли учун иш жойларини ташкил қилиш, керакли малакали мутахассисларни жалб қилиш ва ходимларни касбга тайёрлаш);

техник ва технологик имкониятлар, шунингдек, белгиланған тартибда шартнома асосида жалб қилинадиган техника ва асбоб-ускуналар мавжудлиги;

бир йил ичида ер қаъри участкасидан фойдаланишнинг бошланиш муддатлари;

янги иш ўринларини яратиш мажбуриятлари;

техноген минерал ҳосилаларни сақлаш ва қайта ишлаш шартлари;

ер қаъридан фойдаланувчининг инвестиция мажбуриятлари;

ер қаъри участкаларидан фойдаланишнинг чекланиши, тұхтатиб күйилиши ёки муддатидан олдин бекор қилиниши мүмкін бўлган шартшароитлар.

19. Техноген минерал ҳосилалардан фойдаланиш учун ер қаъри участкаларидан фойдаланиш шартларида қуйидагилар назарда тутилади:

техноген минерал ҳосилалардан фойдаланиш бўйича техник-иктисодий асосларни ишлаб чиқиши ва Давлат геология құмитасига топшириш муддати;

атроф муҳитга таъсири тұғрисида ариза лойиҳасига Давлат экология экспертизаси томонидан бериладиган ижобий хулосани Давлат геология құмитасига топшириш муддати;

техник лойиҳалар ва кон ишларини ривожлантириш режаларини, техноген минерал ҳосилалар (конлар) захираларини қазиб олиш ва кон майдони (участкалар)да қулайликлар яратиш лойиҳаларини тузиш тартиби ва муддатлари;

қазиб олинган фойдали қазилмага эгалик қилиш хукуки;  
зарур малакали мутахассисларга эга бўлиш;

ер қаъридан фойдаланувчининг ижтимоий мажбуриятлари (маҳаллий аҳоли учун иш жойларини ташкил қилиш, ходимларни касб бўйича тайёрлаш ва зарур малакали мутахассисларни жалб қилиш);

техноген минерал ҳосилаларни сақлаш ва қайта ишлаш шартлари;

ер қаъри участкаларидан фойдаланишнинг чекланиши, тўхтатиб кўйилиши ёки муддатидан олдин бекор қилиниши мумкин бўлган шарт-шароитлар.

20. Ўзбекистон Республикаси “Ер ости бойликлари тўғрисида”ги Қонунининг 29-моддаси билан белгиланган ҳолларда Давлат геология қўмитаси норуда фойдали қазилмаларни қазиб олиш учун ер қаъридан фойдаланиш шартларига ўзгартиришлар киритиши мумкин.

21. Минерал-хомашё ва уни қайта ишлаш маҳсулотлари конъюнктурасининг ўзгариши, яъни норуда фойдали қазилмаларни қазиб олиш иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ эмаслиги сабабли, шунингдек лицензия берилган вақтдагига нисбатан кескин фарқ қилувчи вазият юзага келган ҳолларда ер қаъридан фойдаланувчи сўровига мувофиқ ҳам ер қаъри участкаларидан фойдаланиш шартлари қайта кўриб чиқилиши мумкин.

Лицензия эгаси норуда фойдали қазилмаларни қазиб олишни вақтинча тўхтатиши, бу ҳақда олтмиш кун олдин Давлат геология қўмитасига ёзма тарзда маълум қилган ҳолда, белгиланган тартибда кон иншоотларини ва ер ости бойликларидан фойдаланиш билан боғлиқ инфратузилма обьектларини консервация қилиши мумкин. Консервация қилиш муддати лицензиянинг умумий амал қилиш муддатига киради.

#### **4-боб. Норуда фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қаъридан фойдаланиш муддатлари**

22. Геологик ўрганиш, норуда фойдали қазилмаларни қазиб олиш ва техноген минерал ҳосилалардан фойдаланиш учун ер қаъри участкалари куйидагилар учун белгиланган муддатларга берилади:

геологик ўрганиш учун – беш йилгача;

фойдали қазилмаларни қазиб олиш ва техноген минерал ҳосилалардан фойдаланиш учун – фойдали қазилмаларни ёки техноген минерал ҳосилаларни қазиб олиш бўйича техник-иқтисодий асослар билан белгиланган муддатга.

23. Ер қаъридан фойдаланиш муддатлари лицензияда кўрсатилади ва у берилган кундан бошлаб хисобланади.

24. Ер қаъридан фойдаланиш тугагунга қадар камида олти ой олдин ер қаъридан фойдаланувчи томонидан Давлат геология қўмитасига йўлланган буюртма бўйича ер қаъридан фойдаланувчи томонидан лицензияда белгиланган шартлар бажарилган тақдирда ва ер қаърини геологик ўрганишга доир ишларни якунлаш, шунингдек фойдали қазилма конларини қазиб олиш, техноген минерал ҳосилалардан фойдаланиш ёки фойдали қазилмаларни қазиб олиш бўйича корхоналарни тугатиш ёки консервациялаш бўйича ишларни амалга ошириш зарур бўлган ҳолларда ер қаъридан фойдаланиш муддатлари узайтирилиши мумкин.

Ер қаъридан фойдаланиш муддатларини узайтириш ёки уни рад этиш тўғрисидаги қарор Давлат геология қўмитаси томонидан буюртма тушган кундан бошлаб йигирма кун ичида қабул қилинади.

### **5-боб. Норуда фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқига лицензиялар беришнинг умумий шартлари**

25. Норуда фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқига лицензиялар “E-IJRO AUKSION” ягона электрон савдо майдончасида ўтказиладиган аукционлар орқали 1-иловада келтирилган схемага мувофик берилади, мазкур Низомнинг 26- ва 27-бандларида келтирилган ҳолатлар бундан мустасно.

26. Давлат геология қўмитасининг инвестиция лойиҳалари бўйича ҳамда Давлат геология қўмитаси, “Ўзсаноатқуришишматериаллари” уюшмаси ва маҳаллий ижро ҳокимияти органлари билан тузилган уч томонлама келишувга мувофик норуда фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқига лицензиялар тўғридан-тўғри музокаралар асосида берилиши мумкин.

Уч томонлама келишувлар:

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг инвестициялар жалб қилиниши мақсадида лойиҳанинг худуд учун юқори даражада аҳамиятлилиги;

“Ўзсаноатқуришишматериаллари” уюшмасининг ишлаб чиқариш лойиҳаси доирасида мўлжаллананаётган қувватлар, технологик параметрлар ва чуқур қайта ишилаш даражаси;

Давлат геология қўмитасининг лойиҳани Ўзбекистон Республикаси Президентининг худудларга ташрифлари вақтидаги топшириклари, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг топшириклари, хорижий давлатлар билан келишувлар доирасида тасдиқланган “йўл хариталари”, Ҳукумат қарорлари ва баённомаларини ҳисобга олган ҳолда амалга ошириш мақсадга мувофиқлиги бўйича хуносаларини инобатга олган ҳолда тузилади.

Уч томонлама келишувлар лойиҳаларини тайёрлаш, келишиш ва жамлаш Давлат геология қўмитасига юклатилади.

Алоҳида ҳолларда, аукционга қўйилган норуда фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қаъри участкаси бўйича тўғридан-тўғри музокаралар ташаббус қилинганда, у Давлат геология қўмитасининг қарорига асосан аукциондан чиқарилиши мумкин.

27. Ер қаърини геологик ўрганишга оид ишларни молиялаштирган ер қаъридан фойдаланувчилар аниқланган кон бўйича фойдали қазилмалар захиралари белгиланган тартибда тасдиқланган санадан бошлаб бир йил мобайнида улар томонидан аниқланган конда норуда фойдали қазилмаларни қазиб олиш ҳуқуқига лицензиялар олиш учун мутлақ ҳуқуқга эга бўладилар.

Норуда фойдали қазилмаларни қазиб олиш учун ер қаъри участкаларидан

фойдаланиш хуқуқига лицензия тўғридан-тўғри музокаралар асосида, аукцион ўтказилмасдан ер қаърини геологик ўрганишга доир (тўлик ёки қисман, норуда фойдали қазилмалар захираларини ҳисоблаш ва тасдиқлаш билан боғлик) ишларни молиялаштирган шахснинг буюртмаси бўйича берилади, буюртмага молиялаштириш манбаи кўрсатилган ҳолда конни қидириш бўйича ишларнинг молиялаштирилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар илова қилиниши лозим.

Ер қаърини геологик ўрганиш ишларини ўз маблағлари ҳисобидан олиб борган шахс у томонидан қидирилган конда норуда фойдали қазилмаларни қазиб олиш хуқуқидан воз кечилган ҳолда кон мазкур Низомда назарда тутилган тартибда савдо майдончасида ўтказиладиган аукционлар орқали бошқа шахсга берилиши мумкин, бунда воз кечган шахсга у томонидан сарфланган харажатлар, шу жумладан ер қаъри тўғрисидаги геологик ва бошқа маълумотлар қиймати қопланади.

28. Ер қаърини геологик ўрганишга доир ишларни молиялаштирган ер қаъридан фойдаланувчида ушбу Низомнинг 27-бандида назарда тутилган мутлақ хукуқ муддати тугагандан сўнг, у аукционда қатнашганда ўзи томонидан аниқланган конда фойдали қазилмаларни қазиб олиш учун лицензия олишда ушбу Низомнинг 66-бандида назарда тутилган имтиёзли хукуки сақлаб қолинади.

**6-боб. Норуда фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қаъри участкаларидан фойдаланиш хуқуқига лицензиялар бериш учун “E-IJRO AUKSION” электрон савдо майдончасида аукционни ўтказиш тартиби**

29. Электрон савдо майдончасида аукцион орқали реализация қилинадиган норуда фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қаъри участкалари рўйхати Давлат геология қўмитаси томонидан Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари билан келишилган ҳолда шакллантирилади ва ҳар йили 1 февралгача тасдиқланади.

30. Давлат геология қўмитаси норуда фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қаъри участкалари рўйхатини тасдиқлаганидан сўнг беш кун мобайнида аукционда реализация қилиш учун ҳар бир ер қаъри участкаси бўйича тегишли маълумотлар тайёрланишини таъминлайди ва бир кун мобайнида ер қаъри участкасидан фойдаланиш хукукини аукционга кўйиш тўғрисида қарор қабул қиласди.

Тасдиқланган рўйхатга кирмаган норуда фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қаъри участкалари бўйича лицензия беришга ариза келиб тушган ҳолларда Давлат геология қўмитаси Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва тегишли вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда ўрганиб чиқади ва ўн беш кун мобайнида аукцион савдолари орқали реализация қилинадиган ер қаъри участкалари рўйхатига киритиш ёки рад этиш тўғрисида қарор қабул қиласди.

31. Норуда фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қаъри участкасидан фойдаланиш хукукини аукционга кўйиш тўғрисидаги қарорда қуйидагилар кўрсатилади:

норуда фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қаъри участкасининг номи (ёки рақами) ва жойлашган жойи (географик координатали нуқталари, “Google харита” дастурида геолокацияси билан);

норуда фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қаъри участкасидан фойдаланиш мақсади;

норуда фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қаъри участкаси жойлашган жойнинг фотосурати (15x20 см);

норуда фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қаъри участкасининг майдони (гектарда);

савдога кўйилаётган норуда фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қаъри участкаларидан фойдаланиш хуқуқининг бошланғич нархи;

ер қаъри участкасидан фойдаланиш намунавий шартлари.

32. Давлат геология қўмитаси 31-бандда келтирилган тегишли маълумотлар тайёрлангандан сўнг икки кун мобайнида операторга ушбу Низомнинг 2-иловасида келтирилган шаклга мувофиқ ер қаъри участкаларидан фойдаланиш хуқуқини реализация қилиш бўйича аукцион ташкил қилиш ҳақидаги электрон буюртмани тақдим қиласди.

33. Ушбу Низомнинг 31-бандида кўрсатилган ҳужжатлар тўплами давлат геология қўмитаси томонидан етарли даражада расмийлаштирилмаган ёки тўлиқ бўлмаган ҳолда тақдим этилган ҳолда оператор томонидан ер қаъри участкаларидан фойдаланиш хуқуқини реализация қилиш бўйича аукцион ташкил қилиш ҳақидаги электрон буюртмани қабул қилиш рад этилади.

Мазкур ҳолатда оператор буюртмани олингандан кейинги кундан кечиктирмасдан буюртмани мавжуд камчиликларни кўрсатилган ҳолда уларни бартараф этиш учун давлат геология қўмитасига қайтаради.

Давлат геология қўмитаси уч кун мобайнида оператор томонидан кўрсатилган камчиликларни бартараф этади ва ушбу Низомнинг 31-банди талабларига мувофиқ буюртмани тақороран операторга юборади.

34. Оператор илова қилинган ҳужжатлар билан тақороран тақдим этилган буюртмани олгандан кейинги иш кунидан кечиктирмай аукционни ўтказиш ҳақидаги хабарномани ўзининг веб-порталига жойлаштиради.

35. Давлат геология қўмитаси талабгорларни аукционда иштирок этишига кенг жалб қилишга доир чораларни кўради, шу жумладан, олинган ҳужжатлар ва ахборотни аукционда иштирок этиш учун буюртма жойлаштириладиган веб-портал манзилини кўрсатган ҳолда ўз расмий веб-сайтида жойлаштиради.

## **7-боб. Аукционни ташкил қилиш ва ўтказиш**

### **1-§. Аукционни ташкил қилиш ва ўтказишнинг умумий шартлари**

36. Норуда фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер участкаларидан фойдаланиш хуқуки давлат геология қўмитаси томонидан берилган буюртмалар бўйича оператор томонидан аукционга кўйилади.

Ушбу Низомга мувофиқ, норуда фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқини аукционга қўйиш ҳар бир ер қаъри участкаси бўйича алоҳида амалга оширилади.

Оператор томонидан оператор ва Давлат геология қўмитаси ўртасида тузилган шартномага мувофиқ аукционни ташкил этиш бўйича хизматлар кўрсатилади.

37. Норуда фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қаъридан фойдаланиш ҳуқуқини реализация қилиш бўйича аукцион савдолари фақат савдо майдончасида электрон шаклида ўтказилади.

Аукцион аризаларни қабул қилиш ва иштирок этишни ташкил этиш, шунингдек ғолибларни аниқлаш жараёнларига Интернет тармоги орқали аралашиб имкониятини чекловчи маҳсус дастурий маҳсулотдан фойдаланган ҳолда ўтказилади.

38. Аукционни ўтказиш тўғрисидаги хабарномани ва лот ҳакидаги ахборот аукцион бошланишидан аввал ўн иш кунидан кечиктирмасдан операторнинг веб-порталида жойлаштирилади.

39. Аукционларда электрон рақамли имзо билан тасдиқланган электрон аризаларни тақдим этиш ва закалат пулини киритиш орқали иштирок этилади.

40. Аукцион нархларни ошириб бориш принципи бўйича ўтказилади.

41. Норуда фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуки аукционга буюртмада кўрсатилган бошлангич нарх бўйича қўйилади.

Белгиланган тартибда аукцион ўтказилмаган деб эътироф этилган тақдирда, ер қаъридан фойдаланиш ҳуқуки аукционга такроран бошлангич нархда қўйилади.

42. Аукционни ташкил этиш бўйича хизматлар учун оператор аукцион ғолибидан шартномада белгиланган миқдорда ҳақ олади, бунда олинадиган сумма аукцион обьекти бошлангич қиймати суммасининг бир фоизидан ошмаслиги лозим.

Аукцион савдолари ўтказилмаган деб топилган тақдирда, аукционни ташкил этиш бўйича хизматларга ҳақ олинмайди.

## **2-§. Аукционни ўтказиш тўғрисидаги хабарномани жойлаштириш**

43. Оператор Давлат геология қўмитаси буюртмалари асосида ўз веб-порталида аукцион ўтказилиши тўғрисидаги хабарномани жойлаштиради.

44. Хабарнома қуйидаги маълумотларни ўз ичига олиши зарур:

- а) аукцион ўтказиладиган сана, шу жумладан бошланиш ва тугашининг аниқ вақти;
- б) лот рақами ва номи;
- в) аукционда иштирок этиш учун аризалар қабул қилишнинг охирги санаси ва вақти;

- г) норуда фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қаъри участкасидан фойдаланиш хуқуқини амалга ошириш жойи ва муддати;
- д) ер қаъри участкаларидан норуда фойдали қазилмаларни қазиб олишнинг минимал шартлари;
- е) норуда фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қаъри участкасидан фойдаланиш хуқуқини беришдан белгиланган мақсад;
- ё) норуда фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қаъри участкаси жойлашган жойнинг фотосурати (15x20 см).
- ж) аукцион объектининг бошланғич нархи;
- з) норуда фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қаъри участкасининг жойлашган жойи (географик координатали нуқталари, “Google харита” дастурида геолокацияси);
- и) закалат пулининг бошланғич нархдан фоиз кўринишида ва қатъий суммада ифодаланган миқдори, закалат пули ўтказилиши лозим бўлган операторнинг банк реквизитлари;
- к) Давлат геология қўмитасининг манзили ва телефон рақами.

45. Операторнинг веб-порталида юридик шахсларга хабарноманинг батафсил таркиби ва лот бўйича маълумотлар, шунингдек ушбу Низомнинг 31-бандида кўрсатилган хужжатлар билан эркин танишиш имконияти таъминланиши лозим.

Операторнинг веб-порталида аукционни ўтказиш қоидалари билан танишиш имконияти яратилади.

Оператор оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш орқали ва бошқа усулларда тадбиркорлик субъектларини аукционларда иштирок этиш тартиби ҳақида мунтазам таништириб боради.

### **3-§. Аукционда иштирок этиш шартлари**

46. Аукционда иштирок этиш учун аризалар хабарнома жойлаштирилган кундан бошлаб операторнинг веб-порталида автоматик тарзда қабул қилинади.

47. Талабгорлар хабарнома жойлаштирилган кундан бошлаб саккиз кун мобайнида аукционда иштирок этиш учун электрон шаклда аризаларни топширади ҳамда электрон аризада қайд этилган лот рақами ва номи бўйича электрон савдолар очилган куни бир кун мобайнида аукционда қатнашади.

Аризани қабул қилиш аукционни ўтказиш кунидан икки кун олдин соат 13-00 да якунланади.

Аризаларни қабул қилиш учун белгиланган муддат ўтгандан кейин тушган аризалар қабул қилинмайди.

48. Аукцион иштирокчиларнинг аризаларини қабул қилиш куйидаги тартибда амалга оширилади:

аризалар ушбу Низомнинг З-иловасида келтирилган шаклга мувофиқ электрон кўринишида киритилади;

ариза берувчи веб- порталдан иштирокчи сифатида рўйхатдан ўтади ҳамда

автоматик тарзда унга шахсий кабинет ва шахсий ҳисоб варағи очилади;

иштирокчи ўзи томонидан танланган лотнинг закалат пулидан кам бўлмаган миқдорда шахсий ҳисоб варағини тўлдиради ва ариза юборади. Закалат пули иштирокчининг шахсий ҳисоб варағидан автоматик тарзда ечиб олинади.

Агар иштирокчининг шахсий ҳисоб варағидаги пул маблағи етарли бўлмаса, унинг аризаси қабул қилинмайди.

Аукцион иштирокчиси аризасини чақириб олиш имкониятига эга.

49. Ер қаъри участкасидан фойдаланиш хуқуқи учун аукционда иштирок этиш учун закалат пули аукцион обьекти бошлангич нархининг 5 фоизи миқдорида белгиланади ва операторнинг банк ҳисоб рақамига ўтказилади.

50. Аукционда иштирок этиш учун ариза чақириб олинган ҳолларда оператор тўланган закалат пулини ариза чақириб олинган заҳоти автоматик тарзда аукцион иштирокчисининг ҳисоб варағига қайтаради.

Аукцион иштирокчисига закалат пули қайтарилганда банк ҳисоб рақами нотўғри кўрсатилганлиги ёки бошқа сабабларга кўра тўлов операторнинг банк ҳисоб рақамига қайтиб тушган ҳолатда оператор аукцион иштирокчисини бу ҳақда огоҳлантиради ва аниқ банк маълумотлари беришни сўрайди. Бу ҳолатда, закалат пули аукцион иштирокчиси томонидан аниқ банк маълумотлари берилган кундан кейинги иш кунидан кечиктирмасдан қайтарилади.

51. Иштирокчилар аризалари автоматик тарзда текширилади.

Аукцион иштирокчиларига улар аукционда иштирок этишда фойдаланиш учун шахсий тартиб рақамлари берилади.

52. Ариза ва унга илова қилинган хужжатлар белгиланган талабларга мувофиқ тўлдирилган ва юборилган, шунингдек закалат пули шахсий ҳисоб рақамидан тўлиқ тушгандан кейин автоматик тарзда қабул қилинади.

53. Ариза ва унга илова қилинган хужжат белгиланган талабларга мувофиқ тўлдирилмаган ва жўнатилмаган, закалат пули операторнинг банк ҳисоб рақамига тўланмаган ёки тўлиқ тўланмаган ҳолларда ариза автоматик тарзда рад қилинади ва бу ҳақда иштирокчининг электрон почтасига билдиришнома юборилади.

54. Аукцион иштирокчиси хабарномада кўрсатилган вақт яқунлангунига кадар аукционда иштирок этишга аризани ундаги камчиликларни бартараф килган ҳолда такорран юборишга ҳақли.

55. Оператор аризалар ва унга илова қилинган хужжатларнинг сақланишини, шунингдек уларнинг сир тутилишини таъминлайди.

Аризаларни қабул қилиш даврида, шунингдек аукционни ўтказиш даврида операторнинг веб-порталида аукцион иштирокчилари ҳақидаги маълумотларнинг акс эттирилишига йўл қўйилмайди.

#### 4-§. Аукционда иштирок этиш тартиби

56. Аукцион операторнинг веб-порталидаги хабарномада кўрсатилган кунда ва вақтда бошланади.

57. Аукцион икки ва ундан ортиқ иштирокчи қатнашганда ўтказилади.

58. Тегишли лот бўйича аукцион бошлангач, веб-порталда аукцион бошлангани ҳақидаги маълумот автоматик тарзда янгиланади.

59. Аукцион иш куни мобайнида 9-00 дан 18-00 гача ўтказилади.

60. Норуда фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қаъри участкаларидан фойдаланиш хукукини савдога қўйишнинг бошланғич нархи Ўзбекистон Республикаси ҳудудида белгиланган базавий ҳисоблаш миқдорининг 36 баробари миқдорида белгиланади.

61. Аукцион босқичи аукцион обьекти бошланғич нархининг 5 фоиздан кам бўлмаган миқдорида белгиланади.

62. Аукцион унинг иштирокчиларидан лотни бошланғич нархдан битта босқичга оширилган нархда сотиб олиш бўйича таклифни тасдиқлашни сўрашдан бошланади.

63. Агар таклиф берилгандан кейин 10 дақиқа давомида аукцион иштирокчиларидан бири белгиланган босқичга оширилган лот нархини тасдиқласа, кейинги таклифни тасдиқлаш учун вақт яна 10 дақиқага узайтирилади.

64. Агар тасдиқланган охирги таклифдан сўнг 10 дақиқа давомида кейинги оширилган лот нархи бўйича таклиф аукцион иштирокчиларининг биронтаси томонидан тасдиқланмаса, аукцион унинг натижалари ҳақидаги баённомани автоматик тарзда шакллантирган ҳолда якунланади. Лот нархи бўйича таклифни охирги тасдиқлаган иштирокчи аукцион ғолибига айланади.

65. Агар лот нархини ошириш бўйича таклифни охирги тасдиқлаган аукцион иштирокчиси таклифини аукцион ўтказиш вақти якунланишига 10 дақиқадан кам қолганда амалга оширган бўлса, аукционни ўтказиш вақти охирги таклиф тасдиқланган пайтдан бошлаб кейинги 10 дақиқага узайтирилади. Кейинги ҳар бир таклиф аукцион ўтказиш вақтини 10 дақиқадан узайтириб боради. Бироқ, бунда аукцион ўтказиш вақти 3 соатдан ортиқ бўлмаган муддатга узайтирилиши мумкин ва аукцион соат 21-00 га қадар якунланиши лозим. Лот нархи бўйича охирги таклифни соат 21-00 га қадар билдирган иштирокчи аукцион ғолиби деб топилади.

66. Ер қаърини геологик ўрганишга доир ишларни молиялаштирган аукцион иштирокчисига у томонидан қидирилган кондан фойдали қазилмаларни қазиб олишга лицензия олиш учун берилган мутлақ хукуқ муддати тутагандан сўнг, кон аукционга қўйилади ва ушбу кондан фойдаланиш хукуқи реализация қилинаётган аукцион жараёнида ушбу аукцион иштирокчisinинг лицензия олишга имтиёзли хукуқи саклаб колинади.

Бунда, аукцион иштирокчиси томонидан ер қаърини геологик ўрганишга доир ишларни молиялаштириш манбалари кўрсатилган ҳолда молиялаштириш асосларини тасдиқловчи хужжатлар тақдим этилиши лозим. Аукцион жараёнида у томонидан таклиф этилган нархга ер қаърини геологик жиҳатдан ўрганишга доир ишларни молиялаштириш учун сарфланган харажатлар кўшиб ҳисобланади ва аукцион ғолибини аниқлашда эътиборга олинади.

67. Савдо майдончасида аукционни ўтказишга тўсқинлик қиласидаган техник

узилиш содир бўлган ҳолларда аукцион ўтказиш санаси ва вақти ҳакида аукцион иштирокчиларига хабар берилган ҳолда аукцион техник узилиш бартараф қилинган кундан кейинги кунда давом эттирилади.

68. Аукцион якунлангандан кейин веб-порталда аукцион якунлангани ва унинг натижалари ҳақидаги маълумот автоматик тарзда янгиланади.

Аукцион якунланганда операторнинг веб-порталида қуидаги маълумотлар акс эттирилади:

лотнинг бошланғич нархи;

охирги ва охиргидан олдин тасдиқланган таклифлар (охирги ва охиргидан олдинги босқичларни ҳисобга олган ҳолда аукцион иштирокчилари томонидан тасдиқланган таклифлар бўйича шаклланган нархлар);

аукцион ғолиби ва охиргидан олдинги таклифни тасдиқлаган аукцион иштирокчиси ҳақидаги тегишли маълумотлар.

69. Аукцион қуидаги ҳолларда ўтказилмаган деб ҳисобланади:

аукционда иштирок этиш учун бирорта ҳам ариза тушмаган бўлса;

аукционда иштирок этиш учун бирорта ҳам иштирокчи қатнашмаган бўлса;

аукцион иштирокчилари томонидан бирорта ҳам таклиф тасдиқланмаса;

аукционда иштирок этиш учун факат бир нафар иштирокчи қўйилган бўлса;

ушбу Низомда белгиланган тартибда аниқланган аукцион ғолиби ва охиргидан олдинги таклифни тасдиқлаган иштирокчи томонидан аукцион обьекти қийматининг 100 фоизи белгиланган муддатда тўлиқ тўланмаса.

70. Аукцион ўтказилмаган деб ҳисобланганда:

операторнинг веб-порталида автоматик тарзда бу ҳақда унинг сабаблари, шунингдек лотнинг бошланғич нархи ҳақида маълумот акс эттирилади;

ер участкасидан фойдаланиш хукуки ушбу Низомнинг 43-70-бандларида назарда тутилган тартибда ўтказиладиган аукционга автоматик тарзда қайта қўйилади.

71. Норуда фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер участкасидан фойдаланиш хукуки ушбу Низомнинг 69-бандида назарда тутилган асосларга кўра реализация қилинмаса, аукцион обьекти бошланғич нархда такрорий аукционларга қўйилади. Такрорий аукционлар аукцион обьекти реализация қилингунга қадар жорий йил давомида ўтказилади.

Аукцион такроран ўтказилмаган деб топилган тақдирда, оператор Давлат геология қўмитасини бу ҳақда электрон хат билан хабардор қиласи ҳамда аукцион обьектини савдодан олади.

## **5-§. Аукцион натижалари бўйича ҳисоб-китоб қилиш ва аукцион натижалари тўғрисидаги баённомани расмийлаштириш тартиби**

72. Аукцион ғолиби аукцион якунланган кундан бошлаб беш кундан кечиктирмай аукционда сотилган ер қаъри участкасининг қийматини операторнинг ҳисоб рақамига тўлиқ тўлаб бериши лозим.

Аукцион ғолиби норуда фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қаъри участкасининг қийматини шахсий ҳисоб варагидан тұлашни тасдиқлады.

Бунда ушбу аукцион объекти бүйича аввал түланган закалат пули аукцион объектининг 100 фоиз қийматига қўшиб ҳисобланади.

Ғолиб томонидан аукцион объектининг 100 фоиз қиймати түлиқ түлангандан сўнг оператор бир кун давомида:

аукционни ташкил этиш бүйича хизматлар ҳақини ушлаб қолган ҳолда аукцион объектини реализация қилишдан тушган маблағларни Давлат геология қўмитасининг буюртмасида кўрсатилган тегишли ғазна ҳисобварагига ўтказади;

махсус бланкада аукцион натижалари ҳақидаги баённомани расмийлаштиради ва уни муҳр билан тасдиқлади.

73. Аукцион натижалари ҳақидаги баённомада қуидаги маълумотлар кўрсатилади:

- а) аукцион ўтказилган сана;
- б) Давлат геология қўмитасининг норуда фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер участкаларидан фойдаланиш ҳукуқини аукционга қўйиш учун берган буюртмаси;
- в) лот рақами;
- г) аукцион объектининг бошлангич нархи;
- д) аукцион объектининг сотилган нархи;
- е) аукцион ғолибининг номи ва реквизитлари;
- ё) аукцион объекти, шу жумладан:

норуда фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қаъри участкасининг номи (рақами), у жойлашган жойи;

норуда фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қаъри участкасидан фойдаланишни амалга оширишнинг белгиланган мақсади.

74. Оператор бир кун мобайнида ўтказилган аукцион натижалари ҳақидаги баённомани аукцион ғолибининг шахсий кабинетига ва Давлат геология қўмитасига тақдим этади ҳамда ахборотни ўз веб-порталида жойлаштиради.

Оператор томонидан Давлат геология қўмитасига аукцион ғолиби тўғрисида қўшимча маълумотлар (юридик шахснинг давлат рўйхатидан ўтказилган хужжат бүйича түлиқ номи ва СТИР рақами, корхона раҳбарининг паспорти нусхаси), йиллик қазиб олинадиган норуда фойдали қазилмалар миқдори тақдим этилади.

Давлат геология қўмитаси «Е-ХАТ» электрон почтаси орқали баённома нусхасини норуда фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қаъри участкаси жойлашган туман (шаҳар) ҳокимлигига жўнатади.

75. Агар аукцион натижаларига кўра аукцион ғолиби уч кун ичиде норуда фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қаъри участкасидан фойдаланиш ҳукуқини сотиб олишдан бош тортса, оператор кейинги иш кунидан кечиктирмай охиргидан олдинги таклифни билдирган аукцион иштирокчисига у аукцион давомида таклиф этган нархда норуда фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қаъри участкасидан фойдаланиш ҳукуқини сотиб олишини таклиф қиласи.

Агар охиргидан олдинги таклифни билдирган аукцион иштирокчиси уч кун ичида норуда фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қаъри участкасидан фойдаланиш ҳуқуқини сотиб олишга розилик билдирса, у ушбу Низомнинг 72- ва 73-бандларида белгиланган тартибда аукцион натижалари ҳақидаги баённома расмийлаштирилиши билан аукцион ғолиби деб эътироф этилади.

76. Аукцион натижалари ҳақидаги баённома қуидагилар учун асос ҳисобланади:

аукцион ғолибига тегишли ер қаъри участкаси бўйича геологик ва бошқа маълумотлар тўпламини бериш;

Давлат геология қўмитасига – аукцион ғолибига тегишли лицензия расмийлаштириш;

тегишли туман (шахар) ҳокимлигига – аукцион ғолибига ер участкасини ажратиш ҳақидаги қарорни қабул қилиш.

77. Аукцион ғолиби уч кунлик муддатда норуда фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қаъри участкасидан фойдаланиш шартларини имзолайди.

Агар, аукцион ғолиби ўттиз кун ичида ер қаъри участкасидан фойдаланиш шартларини имзоламаса, аукцион ғолиби мақоми бекор қилинади ва ер қаъри участкаси мазкур Низомда белгиланган тартибда қайтадан аукционга кўйилади.

78. Лицензия, аукцион ғолиби томонидан ер қаъри участкасидан фойдаланиш шартларини имзолагандан бошлаб икки кун муддатда расмийлаштирилади ва берилади.

79. Аукцион ғолиби – ер қаъри участкасидан фойдаланиш ҳуқуқига онлайн-аукцион натижалари бўйича лицензия расмийлаштирилган ер қаъридан фойдаланувчи томонидан 4 ой ичида тегишли ер қаъри участкаси бўйича қуидаги хужжатлар тўплами Давлат геология қўмитасига тақдим этилади:

йириклиаштирилган техник-иқтисодий ҳисоб-китоблар – лицензия ер қаъри участкасини геологик ўрганиш учун берилганда;

техник-иқтисодий асослар – лицензия норуда фойдали қазилмаларни қазиб олиш ва техноген минерал ҳосилалардан фойдаланиш учун берилганда;

давлат экология экспертизасининг ваколатли органи томонидан атроф-мухитга таъсир тўғрисидаги ариза лойиҳасига берилган ижобий хулюса.

80. Йириклиаштирилган техник-иқтисодий ҳисоб-китоблар ҳамда техник-иқтисодий асослар лойиҳалари Давлат геология қўмитаси ва “Ўзсаноатқурилишматериаллари” уюшмаси билан биргаликда тасдиқланган услубий қўлланмага мувофиқ тайёрланади.

81. Давлат геология қўмитаси ўн кунлик муддатда тақдим этилган хужжатлар тўпламини ўрганиб чиқади ҳамда ўрганиш натижаси бўйича ер қаъридан фойдаланувчига ёзма тарзда маълум қиласди.

Тақдим этилган хужжатлар бўйича камчиликлар аниқланган холларда тегишли ер қаъридан фойдаланувчилар ўн иш кунида камчиликларни бартараф этишлари ва Давлат геология қўмитасига тақдим этишлари лозим.

Камчиликларни кўрсатилган муддатда бартараф этмаслик ва Давлат геология қўмитасига тақдим этмаслик расмийлаштирилган лицензия ва ер қаъри участкасини ажратиш ҳақидаги қарор бекор қилиншига асос бўлиши мумкин.

82. Лицензия расмийлаштирилган ер қаъридан фойдаланувчи томонидан 4 ой ичida ушбу Низомнинг 79-бандида кўрсатилган хужжатлар тўплами Давлат геология қўмитасига топширилмаган ҳолда, расмийлаштирилган лицензия ва ер участкасини ажратиш ҳақидаги қарор бекор қилинади.

#### **6-§. Закалат пулини қайтариш тартиби ва шартлари**

83. Ушбу Низомнинг 84 ва 85-бандларида кўрсатилган ҳолатлардан ташқари, қоидага кўра, аукцион якунланганидан ёки ўтказилмаган деб эътироф этилганидан сўнг закалат пули қуидагиларга қайтарилади:

охиргидан олдинги таклифни билдирган аукцион иштирокчисига – аукцион якунланган кундан бошлаб ўн икки иш куни мобайнида;

аукционда иштирок этишга қўйилган ягона иштирокчига – хабарномада кўрсатилган аукцион ўтказиш кунидан бошлаб олти иш куни мобайнида;

бошқа иштирокчиларга – аукцион якунланган ёки ўтказилмаган деб эътироф этилганидан кундан бошлаб уч иш куни мобайнида.

Бунда закалат пули аукцион иштирокчисининг аризасига асосан айнан шу лот бўйича такорий аукционда қатнашиш учун операторнинг банк ҳисоб рақамида қолдирилиши мумкин.

84. Аукцион ғолибига закалат пули қайтарилмайди ва у аукцион объектигининг сотилган қиймати таркибида ҳисобланади.

85. Аукцион объектининг қийматини мазкур Низомнинг 72 ва 75-бандларида белгиланган тартибда тўлиқ тўламаган аукцион иштирокларига закалат пули қайтарилмайди ва операторнинг тасарруфида қолади.

#### **8-боб. Ер қаъри участкасидан фойдаланиш ҳуқуқини реализация қилишдан тушадиган маблағларни йўналтириш**

86. Оператор томонидан норуда фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қаъри участкасидан фойдаланиш ҳуқуқини “E-IJRO AUKSION” электрон савдо майдончасида реализация қилишдан олинган пул маблағлари ва ушлаб қолинган закалат суммаси аукционни ташкил қилиш хизматлари учун тўлов суммалари чегирилган ҳолда Давлат геология қўмитасининг тегишли ғазна ҳисобварағига ўтказилади.

Бунда, Давлат геология қўмитасининг тегишли ғазна ҳисобварағига тушган маблағлар Давлат геология қўмитасининг бюджетдан ташқари жамғармаси ҳамда норуда фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қаъри участкаси жойлашган тегишли туман (шаҳар)лар маҳаллий бюджетлари ўртасида автоматик тарзда тенг улушларда тақсимланади.

## **9-боб. Тўғридан-тўғри музокаралар асосида норуда фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқи учун лицензия бериш тартиби**

87. Норуда фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқига тўғридан-тўғри музокаралар асосида лицензия олиш учун ариза берувчиларларга сўралаётган ер қаъри участкаси бўйича геологик ва бошқа маълумотлар тўплами Давлат геология қўмитаси томонидан тақдим қилинади.

Геологик ва бошқа маълумотлар тўплами сўралаётган ер қаъри участкасининг ариза берувчи билан келишилган чегараларини, у бўйича йириклиштирилган техник-иктисодий ҳисоб-китобларни ёки техник-иктисодий асосларни ишлаб чиқиш учун етарли бўладиган ҳажмдаги кон-техник, технологик ва бошқа маълумотларни ўз ичига олган бўлиши зарур.

88. Норуда фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқига лицензия олиш учун ариза берувчилар буюрмани ушбу Низомнинг 89-бандига мувофиқ зарур ҳужжатларни илова қилган ҳолда норуда фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қаъри участкаларидан фойдаланиш учун лицензия олишга буюртмалар топшириш электрон тизимида ёки Давлат геология қўмитасининг худудий бўлинмаларига ёзма тарзда топширадилар.

Давлат геология қўмитасининг худудий бўлинмалари тўғрисидаги маълумотлар Давлат геология қўмитасининг расмий веб-сайтида жойлаштирилади, зарур ҳолларда белгиланган тартибда оммавий ахборот воситаларида чоп этилади.

Ариза берувчилар норуда фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқига лицензия олиш учун бевосита Давлат геология қўмитасига буюртма топшириш ҳуқуқига эгалар.

Норуда фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқи учун лицензияларни тўғридан-тўғри музокаралар асосида бериш мазкур Низомнинг 4-иловасида келтирилган схемага мувофиқ амалга оширилади.

89. Норуда фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқига лицензия олиш учун буюртма топширади ва унга куйидагилар илова қилинади:

давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳномага мувофиқ ариза берувчининг тўлиқ номи;

ариза берувчининг раҳбарлари ва мулк эгаларининг алоқа ва почта маълумотлари;

сўралаётган ер қаъри участкасининг номи ва ер қаъридан фойдаланишнинг назарда тутилган тури;

техник ва технологик имкониятлар, шунингдек, белгиланган тартибда шартнома асосида жалб қилинадиган техника ва асбоб-ускуналар мавжудлиги;

норуда фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқига лицензияни тўғридан-тўғри музокаралар асосида олиш учун асос бўладиган ҳужжатнинг нусхаси;

ириклаштирилган техник-иктисодий хисоб-китоблар – ер қаъри геологик ўрганиш учун берилганда;

техник-иктисодий асослар – ер қаъри норуда фойдали қазилмаларни қазиб олиш ва техноген минерал ҳосилалардан фойдаланиш учун берилганда;

давлат экология экспертизаси ваколатли органлари томонидан атроф-мухитга таъсири тўғрисида ариза лойиҳасига берилган ижобий хулоса;

ер қаъридан фойдаланишнинг назарда тутилган турини амалга ошириш учун тегишли ер участкаси ажратилганлиги тўғрисидаги хужжат;

ариза берувчининг ер қаъри участкасидан фойдаланиш ҳуқуқига лицензия олишга оид буюрмасини кўриб чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси ҳудудида белгиланган базавий ҳисоблаш миқдорининг тўрт баробар миқдоридаги тўловнинг Давлат геология қўмитаси ҳисобига ўтказилганлигини тасдиқловчи хужжат.

Буюртмани кўриб чиқиш учун тўланган йифим суммаси қайтариб берилмайди.

90. Мазкур Низомнинг 89-бандида келтирилган хужжатлар тўплами ариза берувчи томонидан тўлиқ тақдим этилмаган ҳолда норуда фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қаъри участкасидан фойдаланиш учун буюртмаларни қабул қилиш рад этилиши мумкин.

Буюрмани бошқа сабаблар бўйича рад этилишига йўл қўйилмайди.

91. Давлат геология қўмитасининг ҳудудий бўлинмалари ўн кунлик муддатда:

жойлардаги маҳаллий ижро ҳокимияти органлари билан биргалиқда сўралаётган ер қаъри участкасини, ундан фойдаланиш имкониятларини аниқлаш учун текшириб чиқадилар;

горуда фойдали қазилмалар рухсатсиз қазиб олинганлик изларининг мавжуд бўлиши мумкинлигини аниқлаштирадилар;

ариза берувчининг тақдим этилган хужжатларидағи техник ва технологик имкониятларини мувофиқлигини ҳамда зарур малакали мутахассисларга эга бўлишини ўрганадилар.

Олиб борилган ишлар натижалари бўйича Давлат геология қўмитасининг ҳудудий бўлинмалари тегишли маълумотларни тайёрлайди ва буюртма билан бирга Давлат геология қўмитасига юборадилар.

92. Норуда фойдали қазилмаларни рухсатсиз қазиб олиш ҳоллари аниқланганда, Давлат геология қўмитасининг ҳудудий бўлинмалари уларни олдини олиш ва айбдор шахсларни Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ жавобгарликка тортиш бўйича тегишли чораларни кўрадилар.

93. Давлат геология қўмитаси беш кунлик муддатда буюртмани ва Давлат геология қўмитаси ҳудудий бўлинмаларининг тегишли маълумотларини ўрганиб чиқади ҳамда норуда фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қаъри

участкасидан фойдаланиш хукуқига лицензия бериш ёки уни рад этиш тұғрисида қарор қабул қиласы.

94. Давлат геология құмитаси норуда фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қаъри участкасидан фойдаланиш хукуқига лицензия бериш тұғрисида қарор қабул қилинганидан сүңг бир кунлик муддатда, ер қаъри участкасидан фойдаланиш шартлари имзоланған муддатни күрсатған ҳолда ариза берувчига ёзма тарзда маълум қиласы.

95. Ариза берувчи уч кунлик муддатда ер қаъри участкасидан фойдаланиш шартларини имзолайды.

Агар, ариза берувчи ўттиз кун ичида ер қаъри участкасидан фойдаланиш шартларини имзоламаса, Давлат геология құмитаси норуда фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қаъри участкасидан фойдаланиш хукуқига лицензия беришни рад қилиш тұғрисида қарор қабул қилиш хукуқига эга.

96. Лицензия, ариза берувчи томонидан ер қаъри участкасидан фойдаланиш шартларини имзолаган кундан бошлаб бир кун муддатда расмийлаштирилади ва берилади.

Йириклаштирилған техник-иктисодий ҳисоботлар ва (ёки) техник-иктисодий асослар тегишли ер қаъри участкаларидан фойдаланиш шартларига киритилиши шарт.

97. Норуда фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қаъри участкасидан фойдаланиш хукуқига лицензияларни бериш қуидаги ҳолларда рад қилиниши мүмкін, агар:

ариза берувчи ўз ҳақида ёлғон ёки нотұғри маълумотлар берса;

ариза берувчи ишларни самарали бажарыш учун малакали мутахассислар, зарур молия ва техник воситаларнинг мавжудлигини тасдиқловчи маълумотларни тақдим этмаса;

геологик ва бошқа маълумотларни олмасдан туриб техник ҳужжатлар ишлаб чиқылған бўлса;

сўралаётган ер қаъри участкасининг чегаралари геологик ва бошқа маълумотлар тўпламида кўрсатилған чегараларга мос келмаса;

ер қаъри участкаларидан фойдаланишга доир иш олиб бориш услубиёти геология-қиди्रув ишларини олиб бориш ёки ер қаъри участкаларини оқилона ўзлаштиришнинг белгиланған талабларига мос келмаса;

қазиб олинаётган хомашё таннархи нотұғри ҳисобланған бўлса.

Бошқа сабаблар бўйича норуда фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қаъри участкасидан фойдаланиш хукуқига лицензиялар беришнинг рад қилинишига йўл қўйилмайди.

Норуда фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қаъри участкаларидан фойдаланиш хукуқига лицензиялар беришнинг рад қилинишига рози бўлмаслик ҳолатида, ариза берувчилар рад этилиши юзасидан қонун билан белгиланған тартибда шикоят қилиш хукуқига эгалар.

98. Норуда фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қаъри участкаларидан фойдаланиш хуқуқига лицензиялар беришнинг рад қилиниши ҳақида қарор қабул қилинганда, Давлат геология қўмитаси бир кунлик муддатда ариза берувчига ва буюртмани қабул қилган Давлат геология қўмитасининг худудий бўлинмасига ахборот тизими орқали ёзма ва электрон шаклда рад этилиш сабаблари ҳамда ариза берувчи томонидан кўрсатиб ўтилган сабабларни бартараф этиш ва қайта кўриб чиқиш учун хужжатларни топшириши мумкин бўлган муддатлар кўрсатилган хабарномани йўллади.

99. Ариза берувчи томонидан норуда фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қаъри участкаларидан фойдаланиш хуқуки учун лицензиялар беришнинг рад қилиниш сабаблари белгиланган муддатларда бартараф этилганда, рад қилиниш сабаблари бартараф этилганлиги тўғрисидаги маълумот олинган кундан бошлаб ўн иш кунидан ошмаган муддатда хужжатларни қайта кўриб чиқиш ишлари амалга оширилади.

Хужжатларни қайта кўриб чиқиш учун тўлов ундирилмайди.

**10-боб. Ер қаъри участкаларидан фойдаланиш хуқуқи учун лицензиялар бериш, давлат рўйхатидан ўтиш ва давлат ҳисобиға олиш ва расмийлаштириш тартиби**

100. Норуда фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қаъри участкаларидан фойдаланиш хуқуқига лицензия Давлат геология қўмитаси раиси томонидан имзоланади.

101. Лицензия Давлат геология қўмитаси буюртмаси бўйича ушбу Низомнинг 5-иловасида келтирилган шаклда “Давлат белгиси” ДИЧБ томонидан босмахона усулида тайёрланган маҳсус бланкаларда расмийлаштирилади.

Лицензия бланкалари ҳисобга олиш серияси, тартиб рақами, химоя қилиш даражасига эга қатъий ҳисбот бериладиган хужжат ҳисобланади ва қонун хужжатларида белгиланган тартибда Давлат геология қўмитасида сакланади. Лицензиянинг ажралмас қисми бўлган қуйидаги матнли, график шаклдаги ва бошқа қўшимчалар илова қилинади:

foydalaniшга berilgan er qayri участкаси mайдoninинг daстlabki параметрлари;

foydalaniшga berilgan er qayri участкасини tавсифlovchi график материаллар;

er qayri участкасидан foydalaniш шартлари.

102. Норуда фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қаъри участкасидан геологик ўрганиш учун фойдаланиш хуқуқига оид лицензия ер қаъридан фойдаланувчига керакли ер участкаси ажратилиши учун асос ҳисобланади.

Норуда фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қаъри участкаларидан фойдаланиш хуқуқига оид лицензияларга мувофиқ Давлат геология қўмитаси хузуридаги Кон-геология фаолияти назорат қилиш инспекцияси томонидан берилган кон ажратиш далолатномалари норуда фойдали қазилмаларни қазиб олиш ва техноген ҳосилалардан фойдаланиш учун ер қаъридан фойдаланувчига зарур ер участкасини ажратилишига асос ҳисобланади.

Маҳаллий ижро ҳокимияти органлари томонидан тегишли ер участкалари ер қаъридан фойдаланувчининг мурожаатига кўра ўн иш кундан ошмаган муддатда белгиланган тартибда очиқ савдоларсиз, тўғридан-тўғри, норуда фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳукуқига лицензиянинг амал қилиш муддати ва ер қаъри участкасининг чегараларига мувофиқ ажратиб берилади.

Норуда фойдали қазилмалари ер участкаларининг чегараларини жойида белгилаш ишлари Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси ҳамда Давлат геология қўмитаси ҳузуридаги Кон-геология фаолиятини назорат қилиш инспекциясининг худудлардаги бўлинмалари томонидан бир вақтнинг ўзида ер қаъридан фойдаланувчи иштирокида амалга оширилади.

103. Норуда фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қаъри участкасидан фойдаланиш ҳукуқини амалга ошириш уни давлат рўйхатидан ўтказилгандан сўнг амалга оширилади. Ер қаъри участкасидан фойдаланиш ҳукуқини давлат рўйхатига олиш Давлат геология қўмитаси томонидан амалга оширилади.

104. Норуда фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қаъри участкасидан фойдаланиш ҳукуқини давлат рўйхатига олиш реестрга тегишли қайдларни киритиш йўли билан амалга оширилади.

105. Ҳар бир реестрда қўйидагилар кўрсатилган бўлиши керак:

ер қаъридан фойдаланувчи тўғрисидаги асосий маълумотлар (номи, ташкилий-ҳукукий шакли, солиқ тўловчининг идентификация рақами, поча манзили, телефон ва факс рақамлари);

фойдаланишга берилган ер қаъри участкаси номи;

ер қаъри участкасидан фойдаланиш тури ва мақсади;

ер қаъридан фойдаланиш ва лицензиянинг амал қилиш муддати;

лицензиянинг қайта расмийлаштиришга асос ва унинг санаси;

ер қаъри участкасидан фойдаланиш ҳукуқини чеклаш, тўхтатиш ёки тугатиш асоси ва санаси.

106. Норуда фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қаъри участкасидан фойдаланиш ҳукуқига лицензия реестрига киритилган маълумотлар, қонун хужжатларида белгиланган тартибда юридик ва жисмоний шахсларга танишиб чиқиш учун берилиши мумкин.

107. Норуда фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қаъри участкасидан фойдаланиш ҳукуқи учун лицензия реестридаги маълумотлари берилганлиги учун ер қаъридан фойдаланадиган бир фойдаланувчига нисбатан Ўзбекистон Республикаси худудида белгиланган базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик фоизи миқдоридаги тўлов ундирилади.

Норуда фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳукуқига лицензия реестридаги маълумотлар маҳаллий ижро ҳокимияти органлари ва давлат бошқарув органларига бепул берилади.

108. Реестрдан маълумотларни тақдим этилиши учун тўлов миқдори Давлат геология қўмитасининг ғазна ҳисобварағига ўтказилади.

109. Фойдаланишга берилган тегишли ер қаъри участкасидан фойдаланиш хукуки давлат ҳисобига олиниши шарт.

110. Фойдаланишга берилган норуда фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қаъри участкаларини давлат ҳисобига олиш Давлат геология қўмитасининг Давлат геология фонди томонидан, норуда фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қаъри участкаларидан фойдаланиш хукукини давлат рўйхатдан ўтказилишига оид материаллар олинган кундан бошлаб ўн кун муддатда амалга оширилади.

**11-боб. Норуда фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қаъри участкаларидан фойдаланиш хукукини чеклаш, тўхтатиб туриш ва тугатиш**

111. Норуда фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қаъри участкаларидан фойдаланиш хукуки Ўзбекистон Республикаси “Ер ости бойликлари тўгрисида”ги Конунининг 34-моддасида назарда тутилган ҳолларда чекланиши, тўхтатиб қўйилиши ёки муддатидан олдин бекор қилиниши мумкин.

112. Норуда фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қаъри участкаларидан фойдаланиш хукукини чеклаш, тўхтатиб қўйилиши ер қаърини геологик ўрганиш, ундан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш юзасидан давлат назорат органлари томонидан қонун хужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Норуда фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қаъри участкаларидан фойдаланиш хукукини муддатидан олдин бекор қилиш Давлат геология қўмитаси томонидан, шу жумладан бошқа давлат назорати органларининг тақдимномалари асосида амалга оширилади.

113. Норуда фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қаъри участкаларидан фойдаланиш хукукининг чекланиши юзага келган хавф-хатарларни олдини олиш ёки ер қаъридан фойдаланишда йўл қўйилган талаблар ва шартлар, ишларни олиб бориш меъёрлари ва қоидалари бартараф этилгунча бутун участкада ёки унинг бир қисмида ишларнинг маълум турларини З ойдан ошмаган муддатга чекланишига олиб келади.

114. Норуда фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қаъри участкаларидан фойдаланиш хукукини тўхтатилиши ер қаъри участкаларидан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган барча турдаги ишларни тўхтатиб қўйилиш сабаблари бартараф этилгунга қадар олти ойдан ошмайдиган муддатга амалга ошириш таъкидланишига олиб келади, бунда тоғ-кон иншоотлари хавфсизлигини таъминлаш, қурилишларни, иншоотлар ва ускуналарни одамлар ва атроф-муҳит учун хавфсиз сақлаб туришга оид ишлар бундан мустасно.

115. Норуда фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қаъри участкаларидан фойдаланиш хукуки қўйидаги ҳолатларда муддатидан олдин бекор қилиниши мумкин:

ер қаъридан фойдаланувчи бир йил ичидаги ер қаъри участкасидан фойдаланишни бошламаган;

ер қаъри фойдаланувчи томонидан ер қаъри участкасидан фойдаланишнинг асосий шартларини бузилиши, экология талабларига риоя қилиш, режалаштирилган ишлаб чиқариш ҳажмини таъминлаш, инвестиция ва ижтимоий мажбуриятларни бажариш);

ер қаъри участкаларидан фойдаланиш билан боғлиқ ишларнинг таъсир зонасида аҳоли ҳаёти ва соғлиғига, атроф-мухитга хавф-хатарнинг мавжудлиги;

ер қаъридан фойдаланиш учун тўловларни мунтазам тўламаслик;

Ўзбекистон Республикаси “Ер ости бойликлари тўғрисида”ги Қонунининг 33, 36, 37, 40 ва 40<sup>1</sup>-моддаларида назарда тутилган қоидаларига риоя қилмаслик;

агар, йўл қўйилган қоидабузарликлар тизимли тавсифга эга бўлса ёки ушбу ер қаъри участкасидан фойдаланиш ҳуқуқига илгари чеклов ва (ёки) тўхтатилиш кўлланган бўлса.

Ер қаъридан фойдаланувчиларга берилган лицензияларнинг амал қилиш муддати тугаганда ёки муддатидан олдин бекор қилинганда Давлат геология қўмитаси бу ҳакда уч кун муддатда Давлат солиқ қўмитаси, Давлат экология қўмитаси ҳамда тегишли маҳаллий ижро ҳокимияти органларини ёзма хабардор қиласди.

Норуда фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқи учун лицензиянинг амал қилиш муддати тугаганда ёки муддатидан олдин бекор қилинганда тегишли ер майдонлари тегишли маҳаллий ҳокимияти органлари томонидан захираға қайтарилади.

Норуда фойдали қазилмаларни қазиб олиш ҳажмлари ер қаъридан фойдаланувчилар томонидан узлуксиз икки йил давомида бажарилмаган тақдирда (форс-мажор ҳолатларидан ташқари) ҳақиқатда қазиб олинган ҳажмдан келиб чиқиб, норуда фойдали қазилмалар захираларининг ўзлаштирилмай қоладиган қисми давлат балансига ва улар жойлашган ер участкалари маҳаллий ижро ҳокимияти органлари захирасига қайтарилади. Бунда, илгари берилган лицензия қайта расмийлаштирилмасдан ер қаъри участкаларидан фойдаланиш шартларига тегишли ўзгартиришлар киритилади.

Ер қаъри участкасидан фойдаланиш ҳуқуқини муддатдан олдин бекор қилиш тўғрисидаги қарор Давлат геология қўмитаси томонидан давлат назорати органларидан ёзма хабар олинган кундан бир ҳафта муддатда қабул қилинади.

Ер қаъри участкасидан фойдаланиш ҳуқуқи тугаганда фойдаланувчи, ер қаъридан фойдаланиш чоғида бузилган ер участкаларни ва бошқа табиий обьектларни кейинчалик улардан фойдаланишга яроқли ҳолга келтириш, шунингдек ушбу ер қаъри участкасидан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган тоғ иншоотлари ва инфратузилма обьектларини консервация қилиш ёки тугатиш ишларини бажаришга киришиши шарт.

116. Ер қаъридан фойдаланувчи фаолиятининг тугатилиши ёки бекор қилиниши муносабати билан норуда фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқи бекор қилинганда Давлат геология қўмитаси томонидан Давлат экология қўмитаси ва бошқа манфаатдор органлар вакиллари иштирокида ташкил этилган маҳсус комиссия томонидан тоғ иншоотлари ва инфратузилма обьектларини консервация қилиш ёки тугатиш тартиби ва муддатлари тўғрисида қарор қабул қилиниши шарт. Бундай ҳолатларда ер қаъри участкалари Давлат геология қўмитаси балансига ўтказилади.

## **12-боб. Норуда фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қаъри участкасидан фойдаланиш хуқуқини бошқага бериш**

117. Норуда фойдали қазилмаларни қазиб олиш, техноген минерал ҳосилалардан фойдаланиш учун лицензия эгаси Давлат геология қўмитаси билан келишган ҳолда норуда фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қаъри участкасидан фойдаланиш хуқуқини (тўлик ёки қисман) бошқа юридик шахсга бериши мумкин, агар ушбу юридик шахс лицензия билан белгиланган шартларни бажаришга доир мажбуриятларни ўз зиммасига олса.

Шу билан бирга, норуда фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қаъри участкасидан фойдаланиш хуқуқини олган юридик шахс, лицензиянинг олдинги эгасига нисбатан кўйилган талабларга мос келиши зарур.

118. Норуда фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қаъри участкасидан фойдаланиш хуқуқини (тўлик ёки қисман) бошқа юридик шахсга беришни келишиш лицензия эгасининг Давлат геология қўмитасига бериладиган буюртмаси орқали амалга оширилади. Буюртмада норуда фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қаъри участкасидан фойдаланиш хуқуқини бошқага берилиш сабаблари, ер қаъридан фойдаланиш хуқуки қисман берилганда талабгор томонидан фойдали қазилмаларни ёки техноген минерал ҳосилаларни қазиб олиш, қайта ишлаш билан боғлиқ назарда тутилган фаолият тури келтирилади. Буюртмага ер қаъри участкасидан фойдаланиш хуқуки ўтаётган юридик шахснинг лицензия эгасига нисбатан кўйилган талабларга мос келишини тасдиқловчи ҳужжатлар илова қилинади.

119. Давлат геология қўмитаси ўн беш кун ичida такдим этилган ҳужжатларни кўриб чиқади ва норуда фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қаъри участкасидан фойдаланиш хуқуқини бошқа юридик шахсга (тўлик ёки қисман) берилишининг мақсадга мувофиқлиги тўғрисида тегишли қарор қабул қиласи.

Қарор буюртмачига қарор қабул килинган кундан бошлаб уч кун мобайнида ёзма шаклда жўнатилади. Келишиб олишнинг рад этилиши асосланган бўлиши керак.

Норуда фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қаъри участкасидан фойдаланиш хуқуқини бошқа юридик шахсга беришнинг Давлат геология қўмитаси билан келишиб олинганлиги томонларнинг хуқуқини бошқа юридик шахсга бериш тўғрисидаги тегишли шартномани тузиш ва норуда фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қаъри участкасидан фойдаланиш хуқуки (тўлик ёки қисман) берилаётган юридик шахсга Давлат геология қўмитаси томонидан лицензия берилиши учун асос ҳисобланади.

## **13-боб. Норуда фойдали қазилмаларни қазиб олиш учун ер қаъри участкасидан фойдаланиш хуқуқига оид лицензияни қайта расмийлаштириш**

120. Норуда фойдали қазилмаларни қазиб олиш учун ер қаъри участкасидан фойдаланиш хуқуқига оид лицензияни қайта расмийлаштириш куйидаги ҳолларда амалга оширилади:

юридик шахс қайта ташкил қилинганда ва номи ўзгарганда;  
ер қаъри участкаларидан фойдаланиш шартлари ўзгарганда;  
ер қаъри участкаларидан фойдаланиш муддати узайтирилганда.

121. Норуда фойдали қазилмаларни қазиб олиш учун ер қаъри участкасидан фойдаланиш хукуқига оид лицензияни қайта расмийлаштириш Давлат геология қўмитаси томонидан лицензия эгасининг буюртмаси асосида амалга оширилади.

Юридик шахсни қайта ташкил қилиш ёки қайта тузилишида буюртма лицензия эгаси томонидан қайта рўйхатдан ўтказилгандан сўнг етти кун муддатда берилиши лозим.

Норуда фойдали қазилмаларни қазиб олиш учун ер қаъри участкасидан фойдаланиш хукуқига оид лицензияни қайта расмийлаштириш тўғрисидаги буюртмага тегишли тасдиқловчи хужжатлар илова қилинади.

122. Лицензияни қайта расмийлаштиришда тегишли реестрга ўзгартиришлар киритилади, лицензия янги бланкада расмийлаштирилади, бунда олдин берилган лицензия Давлат геология қўмитасида сақланади ва унда “Бекор қилинган” деган муҳр босилади.

123. Лицензияни қайта расмийлаштириш қўйидаги муддатларда амалга оширилади:

буюртма келиб тушган кундан бошлаб беш иш кунидан кўп бўлмаган муддатда – юридик шахс қайта ташкил қилинганда ва номи ўзгарганда, ер қаъри участкаларидан фойдаланиш шартлари ўзгарганда;

буюртма келиб тушган кундан бошлаб йигирма иш кунидан кўп бўлмаган муддатда – ер қаъри участкаларини фойдаланиш муддатини узайтиришда.

Ер қаъри участкаларидан фойдаланиш муддатини узайтирилиши ҳолатида лицензияни қайта расмийлаштиришда ер қаъри участкасидан фойдаланиш шартларини бажарилиши тўғрисида тақдим этилган маълумот Давлат геология қўмитаси ва Давлат экология қўмитаси томонидан кўриб чиқилади.

124. Норуда фойдали қазилмаларни қазиб олиш учун ер қаъри участкасидан фойдаланиш хукуқига оид лицензияни қайта расмийлаштиришда, лицензия олишга доир буюртмани кўриб чиқиш учун тўланган сумманинг эллик фоизи миқдорда йигим ундирилади.

Лицензияни қайта расмийлаштириш учун ундириладиган йигим Давлат геология қўмитаси ҳисобига ўтказилади.

#### **14-боб. Ер қаъри участкасидан фойдаланиш шартлари юзасидан назорат**

125. Ер қаърини геологик ўрганиш, ер ости бойликларидан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш юзасидан давлат назорати маҳаллий ижро ҳокимияти органлари, шунингдек Давлат геология қўмитаси ва Давлат экология қўмитаси томонидан қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширилади.

### **15-боб. Якуний қоидалар**

126. Ариза берувчилар, норуда фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қаъри участкасидан фойдаланиш хукуқига оид лицензия олиш учун улар томонидан тайёрлаган, Давлат геология қўмитасига тақдим этилган хужжатларининг ишончлилиги ва қонунчиликка мослиги учун жавобгардирлар.

127. Мазкур Низом талабларини бузган шахслар қонун хужжатларига мувофик жавобгардирлар.

Норуда фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қаъри участкаларидан фойдаланиш хукукини олиш учун “E-IJRO AUCTION” электрон савдо майдончасида электрон аукционни ўтказиш ҳамда ушбу участкалардан фойдаланиш хукуқига лицензиялар бериш тартиби тўғрисида Низомга 1-илова

**Норуда фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қаъри участкаларидан фойдаланиш хукукини электрон онлайн-аукцион орқали бериш СХЕМАСИ**

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Муддатлар
1-босқич (тайёргарлик босқичи)	Давлат геология кўмитаси	Норуда фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қаъри участкалари рўйхатини тасдиқлади.	Ҳар йили 1 февралгача
	Давлат геология кўмитаси	Ер қаъридан фойдаланиш хукукини аукционда реализация қилиш учун буюртманомаларни Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги кошидаги “Электрон онлайн-аукционларни ташкил этиш маркази” давлат унитар корхонасига (операторга) тақдим этади.	2 кун
	Оператор	Аукцион ўтказилиши тўғрисидаги хабарномани ўз веб-порталида жойлаштиради.	1 кун
2-босқич (аукцион ўтказиш)	Талағорлар	Аукционда иштирок этиш учун электрон шаклда ариза топширади, унда лот рақами ва ер қаъри участкаси номини кўрсатади.	8 кун
	Оператор	Лот бўйича электрон аукцион савдолари ўтказади.	1 кун
	Аукцион ғолиби	Аукционда ғолиб деб топилган сумманинг 100 фоизини тўлайди.	5 кун
	Оператор	Ўтказилган аукцион натижалари ҳакидаги баённомани расмийлаштиради ва аукцион ғолибига ҳамда Давлат геология қўмитасига тақдим этади.	1 кун
3-босқич (лицензия бериш)	Аукцион ғолиби	Норуда фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қаъри участкасидан фойдаланиш шартларини имзолайди.	3 кун
	Давлат геология кўмитаси	Аукцион ғолибига тегишли лицензия расмийлаштирилади.	2 кун

Норуда фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер  
қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқини  
олиш учун “E-IJRO AUCTION” электрон савдо  
майдончасида электрон аукционни ўтказиш  
хамда ушбу участкалардан фойдаланиш  
ҳуқуқига лицензиялар бериш тартиби  
тўғрисида Низомга  
2-илова

**Норуда фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қаъри участкасидан  
фойдаланиш ҳуқуқини реализация қилиш бўйича электрон онлайн-аукцион  
ташкил қилиш ҳақида  
ЭЛЕКТРОН БУЮРТМА**

20 \_\_\_\_ йил «\_\_\_\_» \_\_\_\_ да Ўзбекистон Республикаси Давлат геология  
ва минерал ресурслар қўмитаси (кейинги ўринларда – Давлат геология қўмитаси)  
ва “Электрон онлайн-аукционларни ташкил этиш маркази” давлат унитар корхонаси  
ўртасида тузилган \_\_\_\_-сон шартномага мувофиқ, Давлат геология қўмитаси қўйидаги  
норуда фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қаъри участкасидан фойдаланиш  
ҳуқуқини электрон аукционда реализация қилиш учун ушбу буюртмани тақдим этади:

1. Ер қаъри участкасининг номи (рақами) ва жойлашган жойи:

(географик координатали нуқталари билан Google харита дастурида геолокацияси билан)

2. Ер қаъри участкасидан фойдаланишдан мақсад

3. Ер қаъри участкаси жойлашган жойнинг фотосурати (15x20 см);

4. Ер қаъри участкасининг майдони (гектарда);

5. Фойдали қазилма конининг (участкаси) захираси;

6. Ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқини савдога қўйишнинг  
бошлангич нархи (сўмда);

7. Ер қаъри участкасидан фойдаланишнинг намунавий шартлари;

8. Ер қаъри участкасидан фойдаланиш ҳуқуқини реализация қилишдан тушган  
маблағлар ўтказилиши мумкин бўлган банк реквизитлари:

\_\_\_\_\_;  
(банк номи)

\_\_\_\_\_;  
(банк МФО)

\_\_\_\_\_;  
(банк хисоб рақами)

Буюртма 20 \_\_\_\_ йил «\_\_\_\_» \_\_\_\_ да тақдим этилди.

Давлат геология қўмитаси раиси \_\_\_\_\_  
(Ф.И.Ш.)

Электрон рақамли имзоси (ЭРИ)

Норуда фойдалали қазилмаларни ўз ичига олган ер қаъри участкаларидан фойдаланиш хукукини олиш учун “E-IJRO AUKSION” электрон савдо майдончасида электрон аукционни ўтказиш ҳамда ушбу участкалардан фойдаланиш хукуқига лицензиялар бериш тартиби түғрисида Низомга З-илова

Электрон онлайн-аукционда иштирок этиш учун  
**ЭЛЕКТРОН АРИЗА**

(юридик ёки жисмоний шахснинг тўлиқ номи, поча манзили, банк реквизитлари)

(кейинги ўринларда иштирокчи деб аталади) ер қаъри участкасидан фойдаланиш хукукини реализация қилиш түғрисида электрон онлайн-аукцион ўтказилиши ҳақидаги хабарнома билан танишдим:

(лот рақами)

(лот номи)

Электрон онлайн-аукционда иштирок этиш учун тўланган закалат пулини тасдиқловчи хужжат: \_\_\_\_\_

(тўлов хужжатининг реквизитлари)

Иштирокчи ер қаъридан фойдаланиш хукукини реализация қилиш бўйича электрон онлайн-аукцион ўтказиш қоидалари (кейинги ўринларда қоидалар деб аталади) билан танишдим, 20\_\_\_\_ йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_ соат \_\_\_\_ да веб-порталида ўтказиладиган электрон онлайн- аукционда иштирок этиш учун ушбу аризани топшириди.

Иштирокчи электрон онлайн-аукционда иштирок этиш учун ушбу аризани тақдим этиб, электрон онлайн-аукционни ўтказиш бўйича қоидаларда белгиланган шартларга розилек беради.

Иштирокчи унинг маълумотлари нотўғри бўлган тақдирда, аукцион натижалари хақиқий эмас деб топилиши ва закалат пули қайтариб берилмаслиги ҳақида огоҳлантирилди.

Иштирокчи электрон онлайн-аукционга ер қаъри участкасидан фойдаланиш хукуки Давлат геология қўмитаси томонидан тасдиқланган ер қаъри участкалари рўйхати асосида реализация қилинаётгани түғрисида хабардор қилинди ва иштирокчи электрон онлайн-аукцион ғолиби деб топилганда унга юкландиган талаб ҳамда мажбуриятларга риоя этишини зиммасига олади.

Иштирокчи «E-IJRO AUKSION» ягона электрон савдо майдони операторидан ҳар қандай билдиришномани иштирокчининг қуидаги электрон почта манзилида олишини расман тасдиқлади \_\_\_\_\_.

(электрон почта манзили)

Иштирокчи «E-IJRO AUKSION» ягона электрон савдо майдони оператори ушбу электрон почта манзилига юборган билдиришномалар жўнатилган вақтда расман олинган деб ҳисобланишини ва «E-IJRO AUKSION» ягона электрон савдо майдони иштирокчиси ушбу билдиришномаларни ўз вақтида ўқимагани учун жавоб бермаслигини тасдиқлади.

Закалат пулини қайтариш учун иштирокчининг банк реквизитлари:

(банк номи)

(банк МФО)

(банкнинг ҳисоб рақами)

(иштирокчининг СТИР)

**Илова:** Иштирокчи электрон онлайн-аукцион ўтказиш ҳақидаги билдиришномада кўрсатилган банк ҳисоб рақамига закалат пулини ўтказганини тасдиқловчи тўлов хужжатининг, давлат рўйхатидан ўтганлиги түғрисидаги гувоҳномага мувоғиқ тўлиқ номи, раҳбар паспорти ва мўлжалланётган ишлик қазиб олинадиган норуда фойдалали қазилмалар ҳажми ҳақида маълумот электрон (сканер қилинган) нусхалари.

Тўлдирилган сана: 20\_\_\_\_ йил «\_\_\_\_\_

Иштирокчининг ЭРИ

Норуда фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қаъри участкаларидан фойдаланиш хукукини олиш учун “E-IJRO AUKSION” электрон савдо майдончасида электрон аукционни ўтказиши ушбу участкалардан фойдаланиш хукуқига лицензиялар бериш тартиби тўғрисида Низомга 4-илова

**Норуда фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қаъри участкаларидан фойдаланиш хукуқига лицензияларни тўғридан-тўғри музокаралар асосида бериш СХЕМАСИ**

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Бажариш муддатлари
1-боскич (лицензия олгунга қадар)	Ариза берувчи	1. Давлат геология қўмитасига норуда фойдали қазилма конларидан касишишларни олиб бориш учун буюртма беради (ер қаърини геологик ўрганишга оид ишларни молиялаштирган ер қаъридан фойдаланувчи).  2. Давлат геология қўмитасининг инвестиция лойиҳалари доирасида тузилган шартномалар асосида ер қаъри участкаларидан фойдаланиш хукуқига давлат геология қўмитасига буюртма беради.  3. Ер қаъри участкаларидан фойдаланиш хукукини олиш учун давлат геология қўмитасига уч томонлама келишувни тайёрлаш учун буюртма беради.	Зарур бўлганда
	Давлат геология қўмитаси	Буюртмаларни кўриб чиқади ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг худудларга ташрифлари вактидаги топшириклари, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг топшириклари, хорижий давлатлар билан келишувлар доирасида тасдиқланган “йўл хариталари”, Хукумат карорлари ва баённомаларини ҳисобга олган ҳолда амалга ошириш максадга мувофиқлиги бўйича хulosса тайёрлайди (Тадбирнинг З-қисмига биноан).	Инвестиция лойиҳаларига асосан
	“Ўзсаноаткурилиш-материаллари” уюшмаси	Буюртмаларни кўриб чиқади ва ишлаб чиқариш лойиҳаси доирасида мўлжалланётган кувватлар, технологик параметрлар ва чукур қайта ишлаш даражаси бўйича хulosса тайёрлайди (Тадбирнинг З-қисмига биноан).	Келишувга асосан
	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари	Буюртмаларни кўриб чиқади ва инвестициялар жалб килиниши максадида лойиҳанинг худуд учун юкори даражада ахамиятлилиги бўйича хulosса тайёрлайди (Тадбирнинг З-қисмига биноан).	10 кун
Давлат геология қўмитаси			10 кун
		Буюртмаларни кўриб чиқиш ва уч томонлама келишувни тасдиқлаш натижалари бўйича тегишли хulosаларни мавжудлиги ҳисобга олган ҳолда, норуда фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қаъри участкаларидан фойдаланиш хукуқига тўғридан-тўғри музокаралар асосида лицензия олиш учун буюртма берувчиларга сўралаётган ер қаъри участкаси бўйича геологик ёки бошқа маълумотлар тўпламини тақдим этади.	20 кун

2-боскич (лицензия олишга буортма топшириш ва уни кўриб чикиш)	Ариза берувчи	Илова килинаётган хужжатлар рўйхати билан Давлат геология қўмитасининг худудий бўлинмаларига буортма беради.	Зарур бўлганда
	Давлат геология қўмитасининг худудий бўлинмалари*	Маҳаллий ижро ҳокимияти органлари билан биргаликда фойдаланиш имкониятини аниқлаш учун сўралаётган ер қаъри участкасини текширадилар; Глобал позицион тизим асбобларидан фойдаланган ҳолда бурчак нукталарини тушириш йўли билан ер қаъри участкасининг жойлашиш ўрнини аниқлаштирадилар; Фойдали қазилмалар рухсатсиз қазиб олинган бўлиши мумкинлиги изларини аниқлаштирадилар; тақдим этган хужжатлари бўйича буортма берувчининг техник ва технологик имкониятларини ўрганадилар; техник-иктисодий асосларда келтирилган, хомашёни қазиб олиш таннархи тўғри хисобланганингини текширадилар; олиб борилган ишлар натижалари бўйича тегишли ахборотни тайёрлайдилар ва буортма билан бирга Давлат геология қўмитасига йўлладидилар.	10 кун
3-боскич (лицензия бериш)	Давлат геология қўмитаси	Буортмани ва худудий бўлинмаларнинг тегишли ахборотларини ўрганиб чиқади ҳамда норуда фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қаъри участкаларидан фойдаланиш хуқукига лицензия бериш ёки уни рад килиш тўғрисида қарор қабул киласди.	5 кун
	Давлат геология қўмитаси	Ариза берувчи: лицензия бериш ва ер қаъри участкасидан фойдаланиш шартларини имзолаш зарурлиги; лицензия берилишини рад этиш тўғрисида қабул килинган қарор бўйича хабардор этиши.	1 кун
	Ариза берувчи	Ер қаъри участкасидан фойдаланиш шартларини имзолайди.	3 кун
	Давлат геология қўмитаси	Ер қаъри участкасидан фойдаланиш хуқуки учун лицензияни расмийлаштиради ва топширади.	1 кун

\* ) Давлат геология қўмитасининг худудий бўлинмалари ҳакидаги маълумот Давлат геология қўмитасининг расмий веб-сайтида жойлаштирилган.

Норуда фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер  
қаъри участкаридан фойдаланиш хукукини  
олиш учун “E-IJRO AUKSION” электрон савдо  
майдончасида электрон аукционни ўтказиш ҳамда  
ушбу участкалардан фойдаланиш хукукига  
лицензиялар бериш тўғрисида Низомга  
5-илова



**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
DAVLAT GEOLOGIYA VA MINERAL RESURSLAR QO'MITASI**

**Noruda foydali qazilmalarni o'z ichiga olgan  
yer qa'ri uchastkasidan foydalanish huquqi uchun**

**LITSENZIYA**

SERIYASI

TARTIB RAQAMI

LITSENZIYA TURI

Litsenziya \_\_\_\_\_ ga berildi.  
(ushbu litsenziyani olgan yuridik yoki jismoniy shaxs)

Litsenziya \_\_\_\_\_  
uchun yer qa'ri uchastkasidan foydalanish huquqini tasdiqlaydi.

Yer qa'ri uchastkasi \_\_\_\_\_ da joylashgan.  
(Qoraqalpog'iston Respublikasi yoki viloyat tumani, aholi punkti nomi)

Yer qa'ri uchastkasi chegaralarining tavsifi, burchak nuqtalari koordinatalari, topografiya  
plani, kesimlar nusxalari va boshqalar ilovada keltiriladi \_\_\_\_\_

(tegishli hujjatning turi, nomi, tartib raqami va qabul qilingan sanasi)

- son

(davlat organi nomi, hujjatning turi, sana, tartib raqami)

qarori asosida yer qa'ridan foydalanish bilan bog'liq ishlarni olib borish uchun yer uchastkasi  
berish kafotlangan.

Litsenziyaning amal qilish muddati \_\_\_\_\_  
(kun, oy, yil)

Quyidagilar litsenziyaning ajralmas tarkibiy qismlari hisoblanadi:

Yer qa'ridan foydalanish shartlari \_\_\_\_\_  
(ilovaning tartib raqamlari, varaqalar soni)

Matnli ilovalar \_\_\_\_\_  
(ilovalar nomi, varaqalar soni)

Chizma ilovalar \_\_\_\_\_  
(ilovalar ro'yxati, varaqalar soni)

Litsenziya berilgan sana \_\_\_\_\_ y. "\_\_\_\_"

**Litsenziya olgan shaxs yoki  
uning vakolatlari vakili**

**O'zbekiston Respublikasi  
Davlat geologiya va mineral  
resurslar qo'mitasi Raisi**

M.O'. \_\_\_\_\_  
(imzo) \_\_\_\_\_  
20 \_\_\_\_ y. "\_\_\_\_"

M.O'. \_\_\_\_\_  
(imzo) \_\_\_\_\_  
20 \_\_\_\_ y. "\_\_\_\_"

(Litsenziya uning ajralmas tarkibiy qismi hisoblangan zarur ilovalar mavjud bo'lgan taqdirda haqiqiy hisoblanadi).